ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ЭЛЕКТРОН ГАЗЕТАЛАРИДА ЭКСПРЕССИВ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ: ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ

https://doi.org/10.70728/phil.v05.i05.031

Мадияров Бабур Алламбергенович
madiyarovbabur@gmail.com
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Аннотация: Мазкур мақолада инглиз ва ўзбек электрон газеталарида экспрессив фразеологик бирликларнинг лингвомаданий хусусиятлари қиёсий жиҳатда тадқиқ этилган. *The Guardian*, *The Independent*, *BBC.com*, *UZA.uz*, *Kun.uz* ва *Gazeta.uz* нашрлари материаллари асосида шакллантирилган корпус таҳлили (84 та медиаматн, 2023-2025 йиллар) инглиз ва ўзбек медиадискурсида экспрессив фразеологик бирликларнинг маданий кодлашув механизмлари, трансформация стратегиялари ҳамда нутқий-маданий баҳоловчи функциялари ўртасидаги типологик умумийликлар ва фарқли жиҳатларни аниқлаш имконини берди. Тадқиқот натижалари инглиз медиадискурсида фразеологик бирликларнинг экстровертив трансформация стратегияси устунлик қилишини, ўзбек медиадискурсида эса интровертив аллюзияга асосланган стратегиянинг нисбатан фаол қўлланилишини кўрсатди.

Калит сўзлар: экспрессив фразеологик бирликлар, медиадискурс, лингвомаданий таҳлил, трансформация стратегиялари, нутқий-маданий баҳо, паремиология, электрон газета

LINGUISTOCULTURAL FEATURES OF EXPRESSIVE PHRASEOLOGICAL UNITS IN ENGLISH AND UZBEKISTAN ELECTRONIC NEWSPAPERS: COMPARATIVE ANALYSIS

Madiyarov Babur Allambergenovich
madiyarovbabur@gmail.com
Uzbekistan State University of World Languages

Abstract: This article examines the linguocultural features of expressive phraseological units in English and Uzbek online newspapers from a comparative perspective. A corpus analysis based on materials from The Guardian, The Independent, BBC.com, UZA.uz, Kun.uz, and Gazeta.uz (84 media texts, 2023-2025) made it possible to identify both typological similarities and differential features in

the mechanisms of cultural encoding, transformation strategies, and evaluative-discursive functions of expressive phraseological units in English and Uzbek media discourse. The findings indicate that extrovert transformation strategies prevail in English media discourse, whereas introvert allusive strategies are more frequently employed in Uzbek media discourse.

Keywords: expressive phraseological units, media discourse, linguocultural analysis, transformation strategies, speech-cultural evaluation, paremiology, electronic newspaper

1. Кириш

Замонавий медиалингвистика тадқиқотлари кўрсатаётганидек, электрон газеталар нафақат ахборот узатиш воситаси, балки ижтимоий-маданий тасаввурларни шакллантирувчи мураккаб дискурсив тизим ҳисобланади [1]. Бу тизимда экспрессив фразеологик бирликлар алоҳида ўрин тутади улар нутқий-маданий баҳони имплицит тарзда узатиш, аудиторияни эмоционал жиҳатдан мотивлаш ва маданий хотирани фаоллаштириш вазифаларини бир вақтда бажаради. Инглиз ва ўзбек медиадискурсини қиёсий ўрганиш масаласи тилшуносликда дастлабки назарий асосларни топаётган янги соҳа ҳисобланади. Н. Фэрклоу [2], Т. ван Дейк [3] каби олимлар медиаматндаги идеологик ва баҳоловчи тузилмаларни ўрганган бўлса-да, инглиз ва ўзбек медиасида механизмларининг лингвомаданий қиёсий таҳлили илк бор ушбу тадқиқотда кўриб чиқамиз.

Мақолада қуйидаги тадқиқот саволлари кўриб чиқилади: (1) инглиз ва ўзбек электрон газеталарида қандай лингвомаданий тоифаларга мансуб? (2) уларнинг трансформация стратегиялари иккала тилда қандай фарқланади? (3) бу фарқлар тил соҳиблари маданий-когнитив матрицаси билан қандай боғлиқ?

2. Адабиётлар шарҳи

Фразеологик бирликларни медиадискурсда ўрганиш паремиология (В. Мидер [4]; Н. Норрик [5]) ва лингвомаданиятшунослик (В.Н. Телия [6]; В.А. Маслова [7]) назарий асосларига таянади. Мидернинг “антипровербиализм” концепцияси [4: 112] медиаматнда канон паремик шаклнинг ижодий трансформациясини тушунтириш учун асосий назарий инструмент вазифасини бажаради. Лингвомаданий аспектда В.Н. Телиянинг “концентрланган маданий билим” [6: 215] концепцияси фразеологик бирликларнинг семантик тузилишини маданий семиотика нуқтаи назаридан таҳлил қилишнинг методологик асосини белгилайди. Ю.Н. Карауловнинг [8] прецедент матн назарияси эса медиадискурсда экспрессив фразеологик бирликларнинг коммуникатив фаоллашув механизмини тушунтиришда асосий назарий таянчи ҳисобланади.

Ўзбек медиатилининг лингвистик хусусиятлари Д.М. Тешабаева [9] ва А. Абдусаидов [10] тадқиқотларида ўрганилган. Бироқ мазкур ишларда экспрессив фразеологик бирликларнинг лингвомаданий аспекти чоғиштирма нуқтаи назардан батафсил кўриб чиқилмаган. Шу жиҳатдан ушбу тадқиқот мавжуд илмий базани инглиз-ўзбек қиёсий лингвомаданий таҳлил йўналишида кенгайтиради.

3. Материал ва методология

Тадқиқот корпуси 2023-2025 йиллар давомида The Guardian, The Independent, Bbc.com (инглиз тилидаги нашрлар) ва Kun.uz, Gazeta.uz, UZA.uz (ўзбек тилидаги нашрлар)дан тўпланган 84 та медиаматндан ташкил топган. Матнлар мақсадли танлов усули орқали тупланган бўлиб, танлов мезони сифатида сарлавҳа, кириш абзац ёки матн таркибида аниқланадиган ЭФБларнинг мавжудлиги олинган.

Таҳлилда учта методнинг уйғунлиги қўлланилди: (а) контекстуал-семантик таҳлил ЭФБнинг канон маъноси ва контекстуал маъноси ўртасидаги муносабатни белгилаш учун; (б) лингвомаданий таҳлил маданий кодларни ва аксиологик тизимни аниқлаш учун; (в) чоғиштирма-типологик таҳлил иккала тилдаги корпусдан олинган натижаларни тизимли таққослаш учун. Бундан ташқари, ижобий ва салбий баҳоловчи ЭФБларнинг улушини аниқлаш мақсадида миқдорий таҳлил ҳам амалга оширилди. ЭФБларнинг тўрт тоифали лингвомаданий таснифи мазкур тадқиқотда асосий таҳлилий мезон сифатида ишлаб чиқилди ва қуйидаги турларни ўз ичига олади: (1) канон мақол семантик жиҳатдан мустақил ва тугал баҳоловчи пропозицияни ифодаловчи бирлик; (2) трансформацияланган мақол канон шаклнинг семантик инверсия, лексик алмашинув ёки синтактик кенгайтириш орқали ўзгартирилган варианти; (3) паремик аллюзия канон матннинг имплицит тарзда эслатилиши орқали нутққа жалб қилинган шакли; (4) паремик метафора фразеологик бирликнинг кенгайтирилган концептуал метафора сифатида функционаллашган кўриниши.

4. Натижалар ва муҳокама

4.1. Инглиз медиадискурсида ЭФБларнинг трансформация стратегиялари. Корпус таҳлили натижалари инглиз электрон газеталарида ЭФБларнинг ўртача 68,4% ҳолатда трансформацияга учрашини кўрсатди. Таҳлил жараёнида учта етакчи трансформация стратегияси ажратилди. Жумладан, семантик инверсия стратегияси *The Independent* (12.02.2024) нашридаги *«The grass isn't always greener on the other side»* сарлавҳасида яққол намоён бўлади. Мазкур ҳолатда каноник мақол таркибига *«isn't»* инкор юкламаси ҳамда *«always»* миқдорий чегараловчи элемент киритилиши орқали баҳоловчи маънонинг кескинлиги юмшатиллади. Ушбу лингвостилистик трансформация инглиз медиадискурсига хос бўлган диалогик-рефлексив ёндашувни акс эттиради, яъни мерос бўлган

ҳикмат инкор этилмасдан, балки уни прагматик қайта контекстлаштириш орқали замонавий коммуникатив мақсадларга мослаштириш амалга оширилади. Шу тариқа, мазкур жараён лингвистик микродаражада анъанавий маъно моделларининг динамик қайта талқинини ифодалайди.

Паремик гибридлаштириш стратегияси The Guardian (15.09.2023) сарлавҳасида *«What goes around comes around: political fallout hits back»* шаклида юзага чиқади. Тузилиши жиҳатдан ушбу сарлавҳа икки компонентдан иборат: паремик ядро ва публицистик изоҳ. Иккала компонент ўртасидаги икки нуқта семантик «шартлилик» белгиси сифатида ишлайди: мақол умумий ахлоқий принципни белгиласа, публицистик изоҳ уни аниқ сиёсий воқеликка ёналтиради. Ушбу гибридлаштириш усули идеологик баҳони табиий ва ўз-ўзидан қабул қилинадиган ҳолатга келтиришга хизмат қилувчи самарали риторик восита сифатида намоён бўлади. Синтактик кенгайтириш стратегияси Bbc.com (25.09.2024) нашридан олинган *«Actions speak louder than words and actions speak louder than an endorsement»* мисолида аниқланди. Канон мақол анафорик такрор орқали кучайтирилади ва «endorsement» сўзи билан мақолнинг иккинчи элементи алмаштирилади. Такрор прагматик интенсификация воситаси сифатида ишлаб, нутқий-маданий баҳонинг таъсир кучини оширади.

4.2. Ўзбек медиадискурсида ЭФБларнинг аллюзия стратегиялари

Ўзбек электрон газеталарида ЭФБлар кўпроқ интровертив аллюзия стратегияси орқали қўлланилади. Корпусда уч хил аллюзия механизми аниқланди. *«Деган гап»* конструкцияси паремик бирликни жамоавий ҳикмат доменига нисбатлайди. Kun.uz (20.09.2024) нашридаги *«Ота-онангга нима қилсанг, болангдан қайтади, деган гап ҳақиқат экан»* мисолида ушбу конструкция ЭФБни бевосита тиклаш ўрнига унинг маданий прецедент мақомига ишора қилади ва аудиторияни паремик маънони ўзи тиклашга ундайди. *«Бошимиздан ўтказяпмиз»* иборасидаги биринчи шахс кўплик шакли жамоавий идентификация механизми сифатида ишлаб, нутқий ҳамжиҳатлик ўрнатади.

Риторик сўроқ механизми Gazeta.uz (06.08.2025) *нашридаги «Ёмоннинг кучи япалоққа етибди дегани шу-да, а?»* мисолида кузатилади. «*шу-да, а?»* конструкцияси эмфатик тасдиқловчи юклама ва тасдиқ изловчи риторик аппелятивнинг биргаликдаги қўлланиши ўқувчини баҳоловчи хулосани ўзи чиқаришга «таклиф» этади. Зооморфик образ (япалоқ) ўзбек халқ маданий семиотикасида ожизлик ва маргиналлик рамзи сифатида функционаллашади.

Контекстуал рамка механизми UZA.uz (16.06.2025) нашридаги *«Ярим йил якунида ғалвир сувдан кўтарилади»* сарлавҳасида аниқланди. «Ярим йил якунида» контекстуал рамкаси паремик ядрони вақт координатасига боғлайди

ва матнни аудитория учун аниқлайди. Матал тугал гап шаклини сақлаган, аммо якуний ҳукм бермаган институционал танқид имплицит тарзда узатилган.

4.3. Ижобий ва салбий баҳоловчи ЭФБларнинг тақсимоти

Миқдорий таҳлил натижалари иккала тил медиакорпусида ижобий ва салбий баҳоловчи ЭФБларнинг тақсимотидаги тафовутни кўрсатади (1-жадвал).

1-жадвал.

Корпусда ижобий ва салбий баҳоловчи ЭФБларнинг тақсимоти (%).

Кўрсаткич	Инглиз (n=52)	Ўзбек (n=32)	χ^2	p-қиймати
Ижобий баҳоловчи ЭФБ	34,6%	59,4%	8,47	< 0,01
Салбий баҳоловчи ЭФБ	47,1%	28,1%	5,93	< 0,05
Нейтрал ЭФБ	18,3%	12,5%	1,14	> 0,05

Жадвал маълумотлари статистик жиҳатдан маъноли фарқни кўрсатади ($p < 0,05$): ўзбек матнларида ижобий баҳоловчи ЭФБлар улуши инглиз матнларига нисбатан 24,8 фоиз юқори, салбий баҳоловчи ЭФБлар улуши эса 19,0 фоиз паст. Ушбу тафовут медиа дискурс сатҳида иккала тил маданий-аксиологик тизимларидаги асимметрияни эмпирик жиҳатдан тасдиқлайди.

4.4. Лингвомаданий асимметриянинг сабаблари

Аниқланган типологик фарқлар маданий-когнитив матрицалар даражасида изоҳланади. Инглиз медиасида ЭФБларнинг экстровертив трансформация стратегияси инглиз эмпирист-индивидуалистик дискурсив маданиятини мерос ҳикматни диалогик муносабатда қайта кўриб чиқиш анъанасини лингвистик микродаражада акс эттиради. Г.Грайснинг [11] кооператив принципи доирасида эса инглиз медиасида «ахборотни зарурий миқдордан ортиқ бермаслик» максимаси паремик трансформация стратегияларида намоён бўлади: аудитория канон шаклни ўзи тиклашга ундалади, аммо трансформация модификация нуқтасини яққол кўрсатади.

Ўзбек медиасида интровертив аллюзия стратегияси ўзбек жамоавий-консенсуал коммуникатив маданиятини акс эттиради. Аудитория ЭФБ маъносини тўлиқ тиклашга «ундалади» бу иштирокчи коммуникация нуқтаи назаридан «биз -умумий жамоа» ҳиссини кучайтирувчи прагматик механизм ҳисобланади. В.Н. Телия [6: 218] таъкидлаганидек, фразеологик бирликлар «маданий жамоанинг коллектив тажрибасини тил орқали мужассамлаштирган бирликлар» сифатида намоён бўлади, ушбу хусусият ўзбек медиадискурсида аллюзия стратегиясини оммавийлаштирувчи асосий омил бўлиб хизмат қилади.

5. Хулоса

Ушбу тадқиқот инглиз ва ўзбек электрон газеталарида экспрессив фразеологик бирликларнинг лингвомаданий хусусиятлари ўртасидаги тизимли асимметрияни эмпирик жиҳатдан исботлади. Тўртта асосий хулоса аниқланди.

Биринчидан, инглиз медиасида ЭФБларнинг 68,4% трансформацияга учраши (семантик инверсия, паремик гибридлаштириш, синтактик кенгайтириш) инглиз журналистик маданиятидаги рефлексив-танқидий позицияни акс эттиради. Ўзбек медиасида эса интровертив аллюзия стратегияси («деган гап» конструкцияси, риторик сўроқ, контекстуал рамка) жамоавий консенсус маданиятини намоён этади.

Иккинчидан,ЭФБларнинг тўрт тоифали лингвомаданий таснифи канон мақол, трансформация мақол, паремик аллюзия, паремик метафора медиалингвистик корпус таҳлилида самарали методологик инструмент сифатида ишлаши тасдиқланди.

Учинчидан, инглиз ва ўзбек медиасида ЭФБ стратегиялари ўртасидаги тафовут тасодифий эмас, балки инглиз эмпирист-индивидуалистик ва ўзбек жамоавий-анъанавий лингвомаданий парадигмаларида мустаҳкамланган. Бу типологик асимметрия нафақат услубий, балки когнитив-маданий жиҳатдан ҳам аҳамиятлидир.

Тўртинчидан, ушбу тадқиқот натижалари медиалингвистика, лингвомаданиятшунослик ва паремиология соҳалари учун назарий ҳамда амалий аҳамиятга эга. Кейинги тадқиқотлар учун асосий истиқбол корпусни кенгайтириш ва трансформация механизмларини телевизион ва ижтимоий тармоқ медиасида ҳам ўрганилиши зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Добросклонская Т.Г. Медиалингвистика: системный подход к изучению языка СМИ. - М.: Флинта: Наука, 2008. - 264 с.

2. Fairclough N. Media Discourse. - London: Edward Arnold, 1995. - 214 p.

3. van Dijk T.A. Ideology: A Multidisciplinary Approach. - London: SAGE, 1998. - 374 p.

4. Mieder W. Proverbs: A Handbook. - Westport, CT: Greenwood Press, 2004. - 282 p.

5. Norrick N.R. How Proverbs Mean: Semantic Studies in English Proverbs. - Berlin: Mouton de Gruyter, 1985. - 199 p.

6. Телия В.Н. Русская фразеология: семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. - М.: Языки русской культуры, 1996. - 288 с.

7. Маслова В.А. Лингвокультурология. - М.: Академия, 2001. - 208 с.

8. Karaulov Yu.N. Russkiy yazyk i yazykovaya lichnost'. - M.: Nauka, 1987. - 263 s.

9. Teshabayeva D.M. The Discourse Analysis of Media Text // International Journal of Progressive Sciences and Technologies (IJPSAT). - 2018. - Vol. 7, No 1. - P. 155-158.

10. Abdusaidov A. Gazeta tili va uslubi. - Toshkent: O'qituvchi, 2004. - 184 b.

11. Grice H.P. Logic and Conversation // Syntax and Semantics. Vol. 3: Speech Acts / Ed. by P. Cole, J. Morgan. - New York: Academic Press, 1975. - P. 41-58.